

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”



Инсон кексайгани сари тез-тез хотираларга бериладиган бўлиб қолар экан. Ҳар сафар босиб ўтилган йўллар бўйлаб ўтмишга саёҳат қилиш асносида узоқ ўйга толаман.

Б ошдан кечирилган синовли даврлар, қийинчиликларни бехос бугунги кунларимиз билан таққослайман. Одамларнинг эркин ва фаровон турмуш кечириши учун яратиб берилган имкониятларга қараб, ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Ҳақиқатан, ўзгаришлар жуда катта. Буни кўриш ва ҳис қилиш учун узоққа бориш шарт эмас. Бугунимизнинг кечамиздан яхшиланиб бораётганини одилона сиёсат ва тизимли

ислохотлар самараси, деб биламан. Айниқса, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаси бўлиши учун барча эшиклар очилган.

Фарзандларимизнинг йил сайин олий таълим муассасаларига кириш иштиёқи ортиб бораётгани янада қувончли. Улар орасида хорижнинг илғор университетларида тахсил олаётганлар қанча. Лекин гуруч курмакисиз бўлмаганидек, ўз мақсади ва йўлини топа олмаётган, ёт ғоялар асирга айланиб, боши берк кўчаларга кириб қолаётганлар ҳам бор.

Шу маънода биз нурунийлар

“маҳалла еттилиги” вакиллари билан елкама-елка турган ҳолда келажагимиз эгаларга дастак бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Худудларда “**Бир нуруний — ўн ёшга масъул**” ҳамда “**Нуруний ҳар бир оилага масъул**” лойиҳалари асосида тизимли тадбирлар олиб борилаётгани амалда секин-аста ўз самарасини берапти. Уюшмаган ёшлар билан манзилли равишда ишлаяпмиз. Уларни билим олишга, касб-хунар эгаллашга ундаяпмиз. Бунинг учун қандай ёрдам ва кўмак керак бўлса, кўрсатиляпти.

Давоми 3-саҳифада.

ТАРҒИБОТ

**МУРОЖААТНОМА
МАҲАЛЛАЛАРДА:
ИМКОНИЯТ ВА
ИМТИЁЗЛАР
ҲАР БИР ОИЛА,
ҲАР БИР ФУҚАРО
ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР**



**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
2025 йил 26 декабрда
Олий Мажлис ва халқимизга
Мурожаатнома йўллади.**

Ушбу муҳим сиёсий ҳужжат миллий тараққиётимизнинг янги босқичини белгилаб берувчи стратегик дастур сифатида катта аҳамият касб этади. Мурожаатномада таъкидланганидек, ўтган тўққиз йилда эришилган иқтисодий ютуқлар, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 145 миллиард доллардан ошиб, экспорт, инвестиция ва олтин-валюта захиралари бўйича тарихий натижаларга эришилгани ислохотлар самарасини амалда кўрсатмоқда. Бу рақамлар ортида ҳар бир маҳаллада ва ҳар бир хонадонда сезилаётган фаровонлик, янги иш ўринлари, яхшилانган инфратузилма ва инсон кадри туради.

2026 йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ҳам Мурожаатноманинг стратегик аҳамиятини кўрсатади. Маҳалла давлат ва жамият ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўтайди, маҳалла обод бўлса, инсон ҳаёти ва жамият барқарорлиги таъминланади.

Айни кунларда маҳаллаларда Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, халқ билан очик мулоқот ўтказиш, уларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал этиш бўйича тарғибот тадбирлари уюштириляпти.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

РҲҲАТДАН БИРГА ЎТАМИЗ — КЕЛАЖАКНИ БИРГА ҚУРАМИЗ!

Айни кунларда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари қизғин давом этяпти.

Рўйхатга олишнинг биринчи босқичи 15 январдан бошланди ва 31 январга қадар, 17 кун давомида “**census.stat.uz**” сайти орқали OneID тизими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади. Иккинчи босқичда 4-28 февраль кунлари “маҳалла еттилиги” аъзолари уйма-уй юриб, планшет орқали рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этади.



Огоҳ бўлинг! Рўйхатга олишни фақат “маҳалла еттилиги” аъзолари ўтказади. Бу жараёнда Сиздан ҳеч қандай SMS-код ёки пул маблағлари сўралмайди. Шахсий маълумотлар телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали олинмайди.

Эътибор беринг, оила бошлиғи агар оила аъзолари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотга эга бўлса, рўйхатга олиш саволномасини бутун оила аъзолари учун тўлдириши мумкин.

Маълумот учун, 2026 йил 16 январь, соат 19:00 ҳолатига “**census.stat.uz**” портали орқали юртимиздаги жами хонадонларнинг 13 фоизи онлайн рўйхатдан ўтди.

БУГУНГИ СОНДА:

Билимли бўлишнинг ўзи кам, илм йўлида бардавом бўлинг!

“Мутолаа” ўқиш маданиятини шакллантирган бўлса, “Давра” ўқилган фикрни муҳокама қилиш, таҳлил қилиш ва баҳс орқали ақлни чархлаш майдонидир.

Ҳар бир зарбада маҳорат ва ироданинг кучи мужассам

“Инсонлар кўнглига йўл топишдан тортиб, уларнинг муаммоларига ечим топишгача бўлган шарафли йўлдан бораётганимни ҳақиқий бахт, деб биламан”.

Солиқ кам, қоида оддий, талаблар тушунарли

2026 йилдан бошлаб, агар тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахснинг йиллик тушуми 1 миллиард сўмдан ошмаса, у даромадининг атиги 1 фоизини солиқ сифатида тўлайди.

Билакда куч бўлгани билан бошнинг ишламагани бекор

Спорт — инсонни тарбиялайди, иродани мустаҳкамлайди, бироқ бу — спортчи билагидаги кучини зўравонликка сарфлаш, дегани эмас.



Президентимиз раислигида Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятига бағишланган ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари халқаро маданий тадбирларнинг натижалари, туризм объектларини барпо этишга оид ТАҚДИМОТ БИЛАН ТАНИШДИ.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВга туризм, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани қуриш лойиҳалари тақдимот қилинди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ”

ТАРҒИБОТ

Мурожаатнома маҳаллаларда: Имконият ва имтиёзлар ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Учрашувларда Мурожаатнома ҳамда “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўзида акс эттирган тарғибот материаллари барча “маҳалла еттилиги” ва фаоллари, таълим муассасалари масъулларига етказилди. Уларнинг ҳаётимызда тутган ўрни барча маҳаллаларда аҳолига ҳамда таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларга ҳаётий мисоллар орқали тушунтириляпти. Ёшлар ўртасида турли танловлар ўтказилмоқда.

ЮТУҚЛАР ОРТИДА МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ, ШИҶОАТ ВА МАТОНАТ БОР

Мурожаатномада қайд этилганидек, ўтган йили 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик сув кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки 867 та “оғир” маҳалладаги 470 мингга хонадонга томорқаларни сугориш учун илк бор сув етиб борди.

Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллаларида ўтказилган мулоқотларда Мурожаатнома ва стратегиянинг мазмун-моҳияти аҳолига кенг тушунтирилди. Иқтисодиётда эришилган натижалар ижтимоий ҳаётда бевосита акс этаётгани, миллионлаб оилалардаги муҳит тубдан ўзгараётгани қайд этилди. Таъкидланганидек, 2025 йилда 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди. Бу рақамлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ортида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат, шижоат ва матонат бор.

— Мурожаатнома, бу — фақат йиллик ҳисобот эмас, балки Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги аниқ режа, халқ билан очик мулоқот ва келажакка ишонч билан қараш ифодасидир, — дейди Нукус шахридаги “Навқанбаг” маҳалласи раиси Замира Айтбаева. — Давлатимиз раҳбари 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилишни таклиф этиб, маҳалланинг ижтимоий бирдамлиги, тарбия ва фуқаролик фаоллигини оширишдаги ўрнини чуқур асослаб берди. Шубҳасиз, белгилаб берилган устувор вазифалар амалга оширилса, Ўзбекистон яқин йилларда даромади ўртадан юқори бўлган, замонавий ва фаровон давлатлар қаторига қўшилиди.

Хоразм вилояти маҳаллаларида 2025 йилда хайрли амаллар ҳаётга табиқ этилди. Натижада кўплаб оилалар камбағалликдан чиқди, тадбиркорликни йўлга қўйди, ишсизлик камайди. Мурожаатнома тарғиботида бағишланган учрашувларда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, 2026 йилдаги асосий вазифалар хусусида фикрлашилди.

Хусусан, маҳалла ёшларининг китобхонликка бўлган қизиқишини янада ошириш, мактаб кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан бойитиш чоралари кўрилади. Ишсиз фуқаролар, миграциядан қайтиб келган шахслар, таълим муассасалари битирувчилари ва меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бор фуқароларнинг бандлиги таъминланади. Маҳаллалар ишсизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантирилади.



Мурожаатнома мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбирлар **Бухоро вилояти** марказидан 100-250 километргача узоқликда жойлашган Ромитан туманининг Қизилравот, Пешку туманидаги Жонгелди, Шофиркон тумани тасарруфидagi Чуруқ, Ғиждувон туманининг Оғитма овулларида ҳам давом этди.

Учрашувларда аҳоли ўртасида томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкиллаштириш, мева-сабзавотга ихтисослашган маҳаллаларда сиғими 100 тоннагача бўлган кичик совиткичли омборларни барпо этиш лозимлиги белгиланди. Шу куни худуд ахли учун арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этилди. Кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож, ногиронлиги бор оилалар ҳолидан хабар олинди.

Навоий вилояти маҳаллаларида ўтказилган мулоқотларда мамлакатимизда ҳар йили аҳоли ўртача 2 фоизга ўсаётгани, 1 миллиондан зиёд ўғил-қизлар катта ҳаётга кириб келаётгани қайд этилди. Бугунги мураккаб замонда ёшларни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди.

Жараёнда Навбахор туманида янги соҳил бўйи лойиҳаси, “Келачи”, “Бешработ”, “Юқори Бешработ” ва “Буруқут” маҳаллалари худудида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди. Ҳазгон шахрида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида янги Нурунийлар маскани фойдаланишга топширилди.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖАТИ

Маҳалла ва яхши қўшничилик учун уйғун қадриятлардир. Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга беқиёс ҳисса қўшади. Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроғи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши ҳам шундан далолат беради.

Қашқадарё вилояти маҳаллаларида Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилди. Жараёнда савдо ярмаркалари, очик мулоқотлар, тиббий кўриклар ташкил этилди.

— Президентимизнинг Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг навбатдаги босқичини белгилаб берувчи муҳим сиёсий ҳужжатдир, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокими маслаҳатчиси Янвaрь Иноятов. — Унда давлат сиёсатидаги устувор йўналишлар, амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳамда келгусидаги стратегик вазифалар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда баён этилди. Мазкур дастурий ҳужжатда илгари сурилган ташаббуслар давлат бошқарувини марказлаштириш эмас, аминчча, уни қонун, Парламент ва жамоатчилик олдида ҳисобдор қилиш ғоясига таянади. Ҳар бир соҳадаги трансформация ва фуқаролар ҳаётида сезиларли ўзгаришлар яратиш Мурожаатноманинг асосий максосидир.

Сурхондарё вилоятида ўтказилган мулоқотларда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлиқнинг олдини олиш бўйича самарали ишлайдиган тизимни яратиш чоралари хусусида сўз борди. Шунингдек, маҳаллаларда оилавий ажралишларни камайтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш, ажралиш ёқасидаги оилалар билан манзилли ишлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Қолаверса, техникум ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни қўчайтириш, “дуал таълим” асосида ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналар, улар ишга олган техникум ўқувчилари учун яратилган имтиёзлар ҳақида тушунчалар берилди.

Самарқанд вилоятида ташкил этилган учрашувларда юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланиши, айнан маҳалладаги йул, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларга баҳо бериши алоҳида таъкидланди. Шу боис маҳалла тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолиши қайд этилди.

Ургут тумани тажрибаси сифатида ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туман танланиб, улардаги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратилиши айтилди. Хусусан, Ургутда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Келгуси йил 544 миллиард сўм ажратилиб, 72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, каналлар бетон билан қoplanади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади. Танлаб олинган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги ишлар ҳам шундай ташкил қилинади.

ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ТАЪМИНЛанади

Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йул, қайси бирда сув еки электр масаласи, бошқасида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бирда уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очик айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилади.

Андижон вилоятидаги мулоқотларда Мурожаатнома ҳар бир фуқарони Ватан тараққиётига дахлдорлик руҳида яшаш, масъулият билан меҳнат қилиш ва бирдамликда ҳаракат қилишга чорлаши таъкидланди. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг маҳаллаларда иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилишини таъминлаш масалалари муҳокамалар марказида бўлди.

— 2025 йил халқимиз учун чин маънода ютуқлар даври бўлди, — дейди Андижон шахридаги “Маданият” маҳалласи раиси Барно Шаҳзодева. — Бу жараёнда, аввало, аҳолининг меҳнати, фаровонлиги, керак бўлса, дам олиши учун зарур имкониятлар яратилди. 2026 йилда ҳам мана шундай хайрли амаллар давом этади. Мурожаатнома орқали аниқ максодларни белгилаб олдик. Хусусан, маҳаллада тадбиркорлик инфратузилмаси яхшиланади, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланади, “маҳаллада саноат ва хизмат” лойиҳалари ишга туширилади. Қолаверса, йигинда аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш учун зарур инфратузилма яратилади.

Маҳаллаларда аҳоли ўртасида уй-жой ипотекаси, сервис соҳасини рағбатлантириш учун ажратиладиган ресурслар (субсидия ва имтиёзли ипотека кредити) ҳамда улардан самарали фойдаланиш масаласи **Наманган вилояти**даги мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Йирик инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг муаммолари ҳал этилди. Эркин иқтисодий зоналарга дунёнинг машҳур брендларини жалб қилиш масаласи ҳақида сўз борди.

Фарғона вилояти маҳаллаларида Мурожаатнома асосида “маҳалла еттилиги”нинг аҳолига 2026 йилги дастурлари, мурожаатлари эълон қилинди. Уларда йигинларда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бериш асносида жорий йилдаги муҳим вазифалар, маҳаллада бажарилиши лозим бўлган юмушлар, ҳамжиҳатлик, бирдамликда олиб бориладиган ишлар хусусида фикрлашиб олинди.

ҲАР КИМНИНГ ФАРОВОН ЯШАШГА ҲАҚҚИ БОР

Асосий мақсад — одамларимизни доимий даромадли қилишдан иборат. Пули бор одам яхши кийиниш ва овқатланишга, сифатли таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишга, мазмунли дам олишга, бир сўз билан айтганда, фаровон яшашга интилади.

Тошкент шаҳри маҳаллаларида уюштирилган мулоқотларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонларини жорий этиш юзасидан қабул қилинган дастурлар ва “Йул хариталари” ижросини ташкиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза алмашилди. “Замонавий маҳалла маркази”ни ташкил этиш ишлари кўриб чиқилди.

— Президентимизнинг Мурожаатномаси жамиятимиз томонидан катта қизиқиш билан қўтиб олинди, чуқур эътибор билан тингланди, — дейди Чилонзор туманидаги “Кичик Хирмонтепа” маҳалласи раиси Зулфия Аҳадова. — Унда нафақат ҳозирги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, балки келгуси ривожланиш йўналишлари, аниқ мақсадлар ва уларга эришиш йўллари белгилаб берилди. Энг муҳими, “Қандай натижага эришамиз?” ва “Бу натижалар фуқаролар ҳаётида қандай акс этади?” деган саволларга амалий жавоблар тақдим этилди. Шу жиҳатдан Мурожаатнома стратегик аҳамиятга эга бўлган дастурий ҳужжат ҳисобланади. Унда белгилаб берилган ҳар бир вазифани маҳалламизда йигин аҳли билан ҳамжиҳатликда амалга оширамиз.

Тошкент вилоятида Мурожаатнома тарғиботи бўйича вилоят, туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари тузилди. Улар Мурожаатнома ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича мулоқот учрашувларини ўтказмоқда. Маҳаллаларда муаммолар “кўчабай” хатловдан ўтказилиб, аниқланган масалаларни, сайёр қабулларда кўтарилган мавзуларни, аҳолининг жамоавий мурожаатларини ҳал этиш чоралари кўриляпти.


Сирдарё вилояти маҳаллаларида аниқ режа-жадвал асосида тарғибот ишлари ташкил этиляпти. Жараёнда меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланмоқда. Маънавий-маърифий тадбирлар, психолог-мутахассисларнинг семинар-тренинглари, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларга кенг жамоатчилик вакиллари жалб этиляпти. “Уч авлод” учрашувларида Мурожаатномада белгиланган вазифалар хусусида фикрлашилмоқда. Ҳукукий тарғибот, ватанпарварлик, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Барча маҳаллаларда хашарлар уюштирилиб, аҳоли муаммолари юзасидан раҳбарларнинг сайёр қабуллари ўтказилляпти.

Худди шундай, **Жиззах вилояти** маҳаллаларида Мурожаатномада белгиланган устувор йўналишлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Мулоқотларда Мурожаатномада маҳалла жамиятнинг танч бугини сифатида эътироф этилгани, мамлакат тараққиёти, ижтимоий барқарорлик ва инсон фаровонлиги айнан маҳалладан бошланиши қайд этилди.

Жараёнда маҳаллалардаги ўрганишлар аввалгидек умумий, маҳалла бенисини айланиш билангина чекланмай, асосий эътибор аҳолининг ҳаёти, муаммолари ва тақдирларини бевосита хонадонма-хонадон ўрганишга қаратилди. Аҳолининг яшаш шароитлари, тақлиф ва мулоҳазалари билан яқиндан танишилди. Очик мулоқот форматида ўтказилган мулоқотларда билдирилган фикр ва мулоҳазалар Мурожаатномада белгиланган вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Умуман олганда, Мурожаатнома ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мазмун-моҳиятини тарғибот қилишга бағишланган тадбирлар барча маҳаллаларда кўтаринки қайфиятда ташкил этиляпти. Жараёнда нафақат фикр-мулоҳаза алмашилляпти, балки очик мулоқотлар асосида муаммоларга жойида ечим топиляпти, тиббий кўриклар ўтказилиб, бандликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти.





Янги қонун билан маҳкумларга МАСОФАЛИ ВИДЕО-УЧРАШУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ҳуқуқи берилади.



ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ билан енгил саноат соҳасидаги айрим тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилади.



Хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган ҚАСАЛЛИКЛАР РЎЙХАТИ тасдиқланди.

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №4

3

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ”

Аёлларга яратилган кенг имкониятлар жамиятда адолат ва барқарорликни мустаҳкамлайди. Хотин-қизлар эътибордан четда қолган жамиятда эса ижтимоий муаммолар кучайиб бораверади. Шу маънода бугун юртимизда уларнинг касб-хунар эгаллаши, мустақил фаолиятини йўлга қўйиши учун барча шароитлар муҳайё.

ХУНАР БИЛАН ҲАЁТ ҲАР ДОИМ ТЎҚИС



Гулҳаё РАВШАНОВА, Навоий вилояти “Зиёкор” аёллар ва ёшлар маркази раҳбари.

Навоий вилояти “Зиёкор” аёллар ва ёшлар маркази аynи шу мақсад сари дадил одимляпти. Хусусан, Хатирчи туманидаги “Лангар” ҳамда “Оқтепа” маҳаллаларида “Аёл фаровонлиги — тараққиёт ва барқарорликнинг пойдеворидир” лойиҳасини амалга оширяпти.

Биринчи босқичда масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда ташкил этилган “Каштачилик маркази” ўқув хоналари керакли анжомлар билан жиҳозланди. “Лангар” маҳалласидан 18 нафар, “Оқтепа” маҳалласидан 17 нафар ишсиз хотин-қизни ўқитиш, бандлигини таъминлаш мақсадида хонашёлар олиб берилди. “Munira new brend” масъулияти чекланган жамияти ҳамда лойиҳа мураббийлари 60 соатлик “Каштачилик” ўқув дастури тайёрлаб, бепул дарс машғулотлари ўтказишмоқда.



Лойиҳа натижадорлигини таъминлаш учун ўқини таъминлаган 37 нафар хотин-қизга “Устоз-шоғирд” анъанаси асосида 3-5 нафардан уй бекаси ва ёшлар бириктирилади. Шу орқали 120 нафардан ортиқ хотин-қиз каштачиликка ўқитилиб, иқтисодий аҳволини яхшилаб олишига ишончимиз комил.

— Уйимиз ёнида ташкил этилган хунар ўрганиш маркази биз, қишлоқ аёллари учун жуда қулай бўлди, — дейди “Оқтепа” маҳалласида яшовчи Гулчехра Мўминова. — Анчадан буён каштачилик фаолиятига қизиқиб келардим, лекин ўрганиш имконияти йўқ эди. Энди сеvimли машғулотим билан шуғуллаиш ва даромад топиш имконига эгаман.

Аёллар қанча ўз устида ишласа, шунча иқтидори юзага чиқиб бораверади. Бу нафақат оиласи фаровонлиги, балки жамият равнақида ҳам тенгсиз аҳамият касб этади.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.

НУРОНИЙЛАР ДИЛИДАГИ ГАП

Маҳалла — миллий бирлик ва бирдамлик манбаидир



Давоми 2-саҳифада.

Лоим ёшлар билан учрашганимда, биз ўқимоқчи бўлган китобимизни оилаб кидирганимиз ҳақида гапириб бераман. Кутубхоналардан топа олмаган асарларимизни қоғоз топириш пунктларидан излардик. Айрим ҳолатларда китобхон оилалардан сўрашга тўғри келарди. Бундай қийинчилик билан қўлга киритилган ноёб манбани қайта-қайта мутулаа қилишдан чарчамасдик.

Ҳозир вазият бутунлай ўзгача. “Ўқийман”, деган кишининг уйига китоб келтириб беришяпти. Қолаверса, технологиялар ривожи сабаб уларни электрон ва аудио шакллари бисёр. Бунинг нақадар бахт эканини тушунтириб бериш жуда қийин. Фақатгина имкониятдан унумли фойдаланиш керак, холос.

Самойиддин ХУСЕНОВ, “Нуроний” жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси.



Маҳаллалардаги “Буви-жонлар мактаби” аъзолари савй-ҳаракати билан вилоятдаги 428 та мактабгача таълим ташкилотига 1284 нафар нуроний аёл бириктирилган. Уларнинг болалар билан ишлашдаги тажрибаларидан кенг фойдаланиляпти. 464 та умумий ўрта таълим ва 47 та касб-хунар мактаби, 11 та олий таълим муассасасига масъул бўлган нуронийлар ёшлар билан фаол иш олиб боряпти. Ҳафтаинг ҳар пайшанба кўни “Кексалар маърифати” соатлари уюштирилиб, обрў-эътиборли, ибратга сазовор кишилар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашяпти.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида рўйхатга олинган оилаларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиб чиқяпмиз. “Еттилик” вакиллари билан ҳамкорликда хонадонларни айланиб, керакли ёрдамлар жойида кўрсатиляпти. Боқимандалик кайфиятига берилган, соғлом бўлишига қарамай, меҳнат қи-

лишга тоқати келмаётган шахслар билан алоҳида иш олиб бориляпти. Уларга умрнинг нақадар қисқа экани, ўз ортидан яхши ном қолдириш учун ҳар лаҳзадан унумли фойдаланиши кераклигини ўқтиряпмиз. Уринишларимиз бесамар кетмаяпти. Ўзига тўғри хулоса чиқарган йигитларнинг кўпчилиги бугун меҳнат билан банд.

Фаолиятимиз давомида асосий эътиборни оилаларни мустаҳкамлаш, низоли вазиятларни бартараф этиш ва ажрашишларнинг олдини олишга қаратяпмиз. Биргина шу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш билан кўплаб салбий оқибатларга чек қўйган бўламиз. Айтилик, болаларимиз кўнгли кемтик тарзда эмас, қалби бутунлиқда улғаяди. Камбағаллик кўрсаткичлари қисқаради. Чорасизликдан хорижга ишлаш учун кетяётган аёл ва эркаклар сони камаяди. Психологик тушкунлик, ўртадаги ишонсизлик ва совуқ муносабатлар тикланади. Шу орқали жамиятда ижтимоий барқарор муҳит ҳукм суради.

Президентимиз Олий Мажлис ва бутун Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида айтганидек: “Барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг юқорилиги ушбу институт, аввало, ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади. Албатта, биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва тахликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳим ва зарур”.



ЗЎРАВОНЛИК — ЗЎР ЙИГИТНИНГ ИШИ ЭМАС

ТАЗЎЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Она — нақадар ёқимли ва жарангли сўз. Уни тилга олганимиз ҳамон кўз ўнгимизда мийиғида кулиб турган нафис бир чехра гавдаланади. Инсон яралибдики, шу зотнинг меҳридан куч олади. Қанчадан-қанча олиму уламолар номи унинг ўғитлари сабаб тарих саҳифаларига муҳрланди. Онанинг қўнглини офритиш, дўлига озор бериш эмас, аксинча, фақат ардоқлаш ва ҳурмат кўрсатиш керак. Зеро, аёли эъзозланган, оналари қадрланган юрда тараққиёт ва барқарорлик ҳукм суради.

Шоира СОБИРОВА, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси масъул ходими.

Ўнгги йилларда юртимизда хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилиш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. “Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилаётган сўнгги қўшимча ва ўзгартиришлар бу борадаги амалий чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиши аниқ.

Эндиликда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги таъзиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари манфаатини судларда ҳимоя қилишда асосий субъект сифатида намоён бўлади. Энг муҳими, агентлик судларга киритадиган даъво ариза ва шикоятлар бўйича давлат божини тўлаш мажбуриятининг бекор қилиниши ҳисобланади. Бу меъёр адолат қарор топиши йўлидаги иқтисодий тўсиқларни бартараф этиб, оғир вазиятга тушиб қолган аёлларнинг давлат ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини бир неча баробар оширади.

Таъзиқ ва зўравонликдан жабрланган аёллар махсус реабилитация марказларига жойлаштирилади. Янги тартибга кўра, марказдаги аёлларга бир ойга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бериш, иш жойи ва лавозими сақланишини таъминлаш, шунингдек, реабилитация ва психологик коррекция хизматлари давомида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш имконияти яратилади. Шунингдек, жабрланган аёллар ва болалар учун марказларда кўрсатиладиган ёрдам харажатлари айбдор шахсдан ундирилиши мумкинлиги назарда тутилган қонуннинг ижтимоий адолат тамойилига мослигини кўрсатади.



Хорижий давлатлар, жумладан, Германия, Канада, Австралия тажрибаси шуни кўрсатадики, зўравонлик қурбонларига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси бериш, психологик реабилитация ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш уларнинг тезроқ тикланиши ва жамиятга мослашишига хизмат қилади.



“Пиротехника буюмларининг муомаласи тўғрисида”ги ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Қонун билан “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ” формати котибияти тўғрисидаги низом ратификация қилинди.



“Фарғона” туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.

4

Mahalla

№4

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

ЕРЁНҒОҚ — “ОЛТИНТЕПА”НИНГ ОЛТИНИ

Маҳалламиз бугун нафақат туманда, балки вилоят миқёсида ҳам ерёнғоқ етиштириш билан танилган. Айтиш мумкинки, ерёнғоқ бу ерда оддий экин эмас — у маҳалламизнинг асосий даромад манбаи, ҳатто ўзига хос бренди бўлиб қолган.

Ориф ХУДОЁРОВ,
Жарқўрғон туманидаги
“Олтинтепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Игиндаги 627 та хонадонда 815 та оила, 2 880 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Энг қувонарлиси, деярли ҳар бир хонадонда томорқадан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Авваллари аҳоли турли экинларни экиб қўрган, бироқ вақт ўтиб ерёнғоқнинг унумдорлиги, парваришига яраша даромади юқорилиги, бозорда талаб катта эканини кўриб, аста-секин шу йўналишга ихти-сослашиб борди.



Маҳалладаги асосий вазифаларимиздан бири — ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш. Шу мақсадда сўнгги йилларда аниқ натижага йўналтирилган амалий ишлар қилинди. Хусусан, 51 нафар фуқарога 30 йил муддатга 20 сотихдан ер майдонлари аукцион орқали олиб берилди. Бу ерлар бугун бўш ётгани йўқ — ерёнғоқ экилиб, ҳосилга киряпти. Хусусан, боқувчисини йўқотган, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Насиба Жумақулова ўзига ажратилган ерга ерёнғоқ экиб, ўз меҳнати билан даромад топяпти. Бу каби мисоллар маҳаллада кўп.



Яна бир фахр билан айтадиган ҳолат — миграциядан қайтиб, юртимизда меҳнат қилиб, рўзгорини тебратаётган фуқаролар бор. Шулардан бири — Сайфиддин Абдурахмонов. У бир неча йил хорижда ишлаб келган, ҳозир эса ўз маҳалласида деҳқончилик қилиб, барқарор даромад топмоқда. Унинг айтишича, энди чет элга кетиш нияти йўқ. Чунки ўз ерида қилган меҳнати баракали бўляпти.

Маълумот учун, маҳалламиздан бир мавсумда қарийб 2 000 тонна, туманимиздан эса ҳар йили 10 минг тоннадан ортиқ ерёнғоқ маҳсулоти экспортга йўналтирилади. Бу нафақат маҳалла, балки бутун туман иқтисодиёти учун катта ҳисса демакдир.

2025 йил давомида Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 24 нафар фуқарога 306 миллион сўм, шунингдек, “Бизнесга биринчи қадам” дастури орқали 315 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Жами 606 миллион сўмлик кредит ҳисобига 55 нафар фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнатга меҳр қўйилган жойда, албатта, барака бўлади. Бугун “ерёнғоқчилар маҳалласи” сифатида танилиб бораётган “Олтинтепа” аҳолиси тинимсиз меҳнат қилмоқда, маҳалла эса йил сайин обод ва фаровон бўлиб борапти.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ — АҲОЛИ КЎМАКЧИСИ

Қўшилган қийматли маҳсулотга йўл очилди

Янги қонун кимга нима берапти?

Охириги йилларда иқтисодиётда энг кўп муҳокама қилинаётган масалалардан бири — хомашё ишлаб чиқаришдан воз кечиб, қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар улушини оширишдир. Бу дегани, фақат маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолмай, уни қайта ишлаш, дизайн бериш, қадоқлаш ва брендга айлантириш орқали кўпроқ даромад олишга эътибор қаратилаётганидир.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида 2025 йил 25 декабрда тегишли қонун билан айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшилган қиймати юқори бўлган товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ҳужжат тадбиркорлик фаолияти учун қатор муҳим ўзгаришларни жорий этиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча қиймат яратишга хизмат қилади.

Аввало, якка тартибдаги тадбиркорлар учун аниқлик киритилди. Энди жисмоний шахс бўлган тадбиркор ўз фаолиятини ўз қарори билан, суд қарори ёки рўйхатдан ўтказувчи тузилма қарори асосида тугатиши мумкин. Илгари бу жараён кўпинча чўзилиб кетар, тадбиркор иш юритмаётган бўлса-да, солиқ мажбуриятлари ортидан қувиб юрарди. Энди қоида аниқ — қарор борми, фаолият ҳам қонуний тугатилади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати — солиқ имтиёзларига масъулият билан қараш масаласи. Агар тадбиркор солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, кейин ҳисоботларни аниқлаштириб, солиқ суммасини камайтирмоқчи бўлса, бу автоматик қабул қилинмайди. Солиқ ташкилотлари аввал унинг асосли-асоссизлигини ўрганади. Бу, ўз навбатида, адолатни таъминлашга хизмат қилади: ҳақиқатан ишлаб, имтиёзга лойиқ бўлган тадбиркорга ҳам, тизимдан фойдаланиб қолмоқчи бўлганларга ҳам бир хил кўз билан қаралмайди.

Қонун ипотека бозорига ҳам дахл қилди. Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари чиқараётган облигациялар бўйича даромадлар 2030 йилгача фойда солиғидан озод қилинди. Бу узоқ муддатда уй-жой бозорига инвестиция жалб этишга, ипотека тизимини барқарор қилишга хизмат қилади.

Яна бир эътиборли йўналиш — креатив парклар. Дизайнерлар, дастурчилар, медиа ва ижодий соҳада ишлаётган ёшлар учун бу қонун янада кенг имкони-ятлар очади. 2031 йилгача креатив парк резидентлари ходимлари учун даромад солиғи ва ижтимоий солиқ 50 фоизга камайтирилган ставкада туланади. Бу “ижод билан пул топиб бўлмайди” деган қарашларни буткул ўзгартиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун — ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорга енгиллик бериш, солиқ тизимида адолатни мустаҳкамлашга қаратилган қадамдир. Энг муҳими, бу ўзгаришлар қоғозда қолиб кетмасдан, жойларда, маҳаллаларда, кичик цехларда, устaxonаларда, креатив майдонларда ўз самарасини бериши керак. Имкониёт бор экан, ундан унумли фойдаланиш эса тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

БИЗ — ТАДБИРКОР ОИЛАМИЗ!

Меҳнат, маърифат ва табиатга муҳаббат уйғунлашганда...

Бугун Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласига кириб борсангиз, яшилликка бурканган, гуллар ифори таралиб турган манзарага дуч келасиз. Бу гўзалликнинг марказида эса меҳнати, бағрикенглиги ва донишмандлиги билан маҳаллага файз киритиб келаётган Бобоёр ота турибди.



Асал ЮСУПОВА,
журналист.

Отахон ўзининг 50 сотихли иссиқхонасида помидор, бодринг, бўлғор қалампир, бақлажон, аччиқ қалампир, қовун ва тарвуз етиштиради. Шу билан бирга, бу ерда 50 дан ортиқ турдаги гул қўчатлари алоҳида меҳр ва эътибор билан парваришланади.




Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, отахоннинг томорқасида 10-12 нафарга яқин маҳалланинг “Қамбағал оилалар реестри”да турган хотин-қизлари ва ёшлари меҳнат қилади. Улар тўлиқ маош билан таъминланибгина қолмай, бу ерда ўзлари учун бекиёс хазина — билим ва тажриба орттиради. Отахондан ўрганган кўникмалари асосида кўпчилиги ўз уйида ҳам кичик иссиқхона ташкил этиб, мустақил даромад манбаига эга бўлган. Шу боис бу томорқа одамлар учун фақат иш жойи эмас, балки ҳаёт мактабига айланган.

Бобоёр ота — қўли очиқ, бағрикенг инсон. У бор билганини ёшлардан аямайди. “Билим бўлишилса, барака ортади”, дейди у. Бундан ташқари, отахон уйида кичик ўқув маскани ҳам ташкил этган. Ҳар бир келган мижозга у гулларнинг тури, парвариши, қандай эътибор бериш кераклиғи ҳақида батафсил тўшунтириб беради. Шундан сўнггина кўчатни қўлига топширади. Унинг орзу-си — ҳақиқий деҳқонлар мактабини очиш. Айни пайтда бу мақсад йўлида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Бобоёр ота фаолияти меҳнат, маърифат ва табиатга муҳаббат уйғунлашган ёрқин намунадир. Унинг иссиқхонаси эса нафақат ҳосил манбаи, балки одамлар учун умид ва барака масканига айланган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

“Кадастр қарори йўқ, уй номимга ўтадимми?”



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.

Раъно ҚУРБОНОВА.
Жиззах вилояти:

— Турмуш ўртоғим вафот этган. Икки фарзандим билан ёлғиз қолдим. Ҳозирда яшаб турган уйимизни ўз номимга ўтказмоқчиман, аммо уйнинг кадастр қарорининг асл нусхаси йўқ. Кадастр қарори бўлмаса-да, уйни номимга олишнинг илоҳи борми?

Акромжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
кадастр ҳуқуқи бўйича юри-
дик маслаҳатчи-адвокат:

— Ҳа, мумкин, лекин бу фақат суд орқали қонуний йўл билан амалга ошади.

Агар уйга бўлган қарорнинг асл нусхаси йўқ бўлса, кадастр идораси уйни тўғридан-тўғри сизнинг номингизга ўтказмайди. Бундай вазиятда қилинади-
ган энг тўғри иш – фуқаролик судига мурожаат қилишдир.

Сиз уй ва унга бириктирилган ерга бўлган ҳуқуқни белгилаш бўйича даъво аризасини топширасиз.

Суд сизнинг мулкка бўлган ҳуқуқингизни тасдиқласа, шундан сўнг уйни кадастр орқали номингизга рўйхатга олиш мумкин бўлади. Агар сиз узлуксиз, ошқора ва ҳалол тарзда уйдан фойдаланган бўлсангиз, суд бу фойдаланганлиқни инобатга олиб, мулк ҳуқуқини тан олиши ҳам мумкин.



Ёшлар ишлари агентлиги ҳузурида КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ташкил этилади.



Тошкентда мамлакатдаги илк доимий фаолият юритувчи замонавий санъат ва тадқиқотлар майдони — ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАРКАЗИ очилади.



Ўзбекистон 2012 йилда қабул қилинган ТАШҚИ СИЁСАТ КОНЦЕПЦИЯСИНИ янгилайди.

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №4

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

БИР ҲОВУЧ ДУР

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Билимли бўлишнинг ўзи кам, илм йўлида бардавом бўлинг!

“Мутолаа” ва “Давра” битта олий мақсад сари хизмат қилади: китобхон, фикрлайдиган миллатни шакллантириши.

Ҳар қандай катта ғоя кичик бир саволдан бошланади: нега айрим ташаббуслар яшаб қолади, бошқалари эса тарихга айланади? Маърифий лойиҳалар ҳақида гап кетганда, жавоб кўпинча технологияда бўлмайди. Асосий омил — қатъиятдир.

Сирожиiddин ОЛИМОВ,
“Мутолаа” лойиҳаси раҳбари.

“Мутолаа” лойиҳаси яратилганда биз ҳам ўйлагандик: балки кучли платформа, яхши контент ёки машҳур муаллифлар етарли бўлар? Аммо вақт ўтиб англадикки, ҳал қилувчи куч бошқа жойда — мунтазамликда, тўхтамасликда ва бошланган ишни охирига етказишда экан.

Кўплаб лойиҳалар эзгу ният билан бошланади, дастлабки тўсиқларда тўхтаб қолади. “Мутолаа” эса икки йил давомида миллионлаб китобхонларни бир ғоя атрофида бирлаштириб, бу синовдан шараф билан ўтди. Бу жараён бизга бир ҳақиқатни ўргатди: билимли бўлишнинг ўзи кам, илм йўлида давомийлик керак.



Қатъият бу фақат хоҳиш эмас, бу — интизом. Ирода ва интизом бирлашган жойда натижа бўлади: ҳар кун китоб, ҳар кун янги фикр. Платформада 450 кундан ортиқ узлуksиз мутолаа қилган китобхонларнинг пайдо бўлиши оддий бир рақам эмас, бу шаклланаётган янги маданиятдир.



Бугун тақдим этилаётган “Давра” — ана шу қатъиятнинг мантикий давомидир. Агар “Мутолаа” ўқиш маданиятини шакллантирган бўлса, “Давра” ўқилган фикрни муҳокама қилиш, таҳлил қилиш ва баҳс орқали ақлни чархлаш учун майдон яратди. Шу боис бу оддий ижтимоий тармоқ эмас. Бу ерда шовқин йўқ. Бу ерда муаллиф ва китобхон юзма-юз фикрлашади, ҳақиқатлар эса баҳс жараёнида чархланади.

“Давра” фойдаланувчилар ўртасидаги мазмунли мулоқот асосида шаклланади. Платформада ҳар бир асар, мақола ёки ғоя атрофида давра очилади — яъни муҳокама майдони. Ўқувчи бу ерда шунчаки томошабин эмас: у савол беради, фикр билдиради, таҳлил қилади ва ўз хулосаларини баҳам кўради. Муҳокамалар вақт ўтиши билан бойиб боради, фикрлар эса тартибли ва мазмунли тарзда жамланади.

Ана шу жараён ёшлар учун ўқиганини англаш, фикрни ёзма ва оғзаки ифодалаш ҳамда ўз нуқтаи назарини асосли ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантиради. Платформа фаол фойдаланувчиларни аниқлаб, уларни янги давраларга, муаллифлар билан очик суҳбатларга ва чуқур муҳокама-ларга жалб этади. Қисқача айтганда, “Давра” ўқишдан фикрлашга, фикрлашдан мулоқотга олиб чиқадиган макондир.

Бу йўлда биз замон билан ҳамнафасликни танладик. Сунъий интеллект имкониятлари ва асарларнинг визуал талқини чалғитиш учун эмас, балки айнан шу фикрлаш жараёнини чуқурлаштириш, тафаккурни кенгайтириш учун хизмат қилади. Мақсадимиз — китобни севганларни қўллаб-қувватлаш, севиб улгурмаганларни эса аста-секин бу ёрқин оламга етаклашдир.

Охир-оқибат, “Мутолаа” ва “Давра” битта олий мақсад сари хизмат қилади: китобхон, фикрлайдиган миллатни шакллантириш.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМАНИ ЕТАКЧИ НАЗОРАТ ҚИЛИШИ ШАРТМИ?

Анвар РАҲИМОВ,
Сурхондарё вилояти:

— Маҳалламизда “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ёрдам олган ёшлар билан ижтимоий шартнома расмийлаштирилган ва унинг шартлари тўғридан-тўғри электрон шаклда назорат қилинмоқда. Айни вазиятда ёшлар етакчиси сифатида менинг жойига чиққан ҳолда кўшимча назорат ўтказишим қай даражада мажбурий ҳисобланади?




Илҳомжон АБДУЛЛАЖОНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги Ёшлар балансини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи:

— Амалдаги тартибга мувофиқ, “Ёшлар дафтари” жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилган ижтимоий шартномаларнинг шартлари бажарилиши, асосан, Ёшлар ягона электрон платформаси орқали мониторинг қилинади ва баҳоланади. Шу боис ёшлар етакчисининг жойига чиққан ҳолда кўшимча назорат ўтказиши мажбурий ҳисобланмайди, балки зарурат юзага келган тақдирда амалга оширилади.

Бироқ, агар ёшлар етакчиси томонидан жойида назорат ўтказилса, унинг натижалари ижтимоий шартнома ижроси билан боғлиқ маълумот сифатида Ёшлар ягона электрон платформасида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ ва амалиётда тавсия этилади, чунки бу шартнома ижроси устидан шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади:



Албатта, бу ишнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор: кунига 13 килограмм ем берилади, икки маҳал сув ичирилади, парвариш мунтазам олиб борилади. Аммо меҳнатнинг самараси ҳам шунга яраша.

Энг қувонарлиси, Севара бу иш билан чекланиб қолмай, ўз тажрибасини бошқа ёшларга ҳам тавсия этмоқда. Чунки ҳар қандай иш аввало қизиқишдан бошланади. Қизиқиш бўлса, имкониятдан тўғри фойдаланиш мумкин. Севара айнан шундай қилди — имкониятни бой бермай, “темирни қизигида босди” ва катта ишга қўл урди.

Ёшлар етакчиси сифатида шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, шахсий намуна ҳар қандай тарғиботдан кучлироқ. Шу сабабли мен ҳам уй шароитида 100 та товۇқ боқиб келмоқдаман. Бугун унинг самарасини кўрапмиз. Бу эса бошқа ёшларга ҳам ўрнак бўлмоқда.

Ҳозир маҳалламизда бир ёшлар вакили бошлаган ишга бошқалар ҳам қизиқиб эргашмоқда. Парранда боқиб, деҳқончилик қилиш, ўз бизнесини очиб истагида бўлган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Товуқлар тарқатилиб, ёшларга амалий ёрдам кўрсатиляпти.

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙМИЗ?

Меҳнат билан бошланган йўл баракага элтади

Инсон чин дилдан ҳаракат қилса, олдиди ёпиқ эшик қолмас экан. Мен ҳам олий маълумотли бўлсамда, кўнглим нимагадир доим тадбиркорлик сари тортарди. Гўё ичимда бир овоз: “ярат, ҳаракат қил, имкониятни қўлдан бой берма”, деб тинимсиз ундарди...

Миржалол ШУҲРАТОВ,
Яккабоғ тумани “Чўмич” маҳалласи.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар менга ишонч бағишлади. Ана шу имкониятлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишга қарор қилдим. Дастлаб кичик қадам ташладим — озиқ-овқат дўкони очдим. Бу мен учун нафақат даромад манбаи, балки катта йўлнинг бошланиши эди. Орадан бироз вақт ўтгач, имтиёзли кредит асосида пиширик ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйдим.



Энг қувонарлиси шундаки, ширинликлар тайёрлаш учун зарур бўлган барча хомашё дўконимизда мавжуд. Бу эса иш жараёнининг узлуksиз ва сифатли бўлишини таъминлайди. Айни пайтда бу ерда 15 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Ширинликлар тури 30 дан ошди, келгусида бу кўрсаткични 50 дан оширишни режалаштирганимиз.



Ана шундай ташаббуслар бугун бир неча оиланинг рўзгорини тебратишга сабаб бўлаётгани менга алоҳида фахр бағишлайди. Тадбиркорликка қўл урганимдан асло афсусланмайман. Чунки бу йўл фақат менинг эмас, балки яна бир нечта хонадоннинг ризқини кенгайтирди.

Албатта, тадбиркорлик йўли текис ва силлиқ эмас. Бугун тадбиркор олдиди турган муаммоларни тезкор ҳал этиш жуда муҳим. Чунки ҳар бир кечиккан масала ишлаб чиқариш қувватининг пасайишига, бозор билан алоқанинг узилишига олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан, тадбиркорнинг мавжуд муаммоларини тегишли ташкилотлар ўз вақтида ўрганиб, амалий ёрдам бераётир.

Бугун ортага назар ташласам, босиб ўтилган йўл фақат машаққат эмас, балки тажриба, сабоқ ва ишонч эканини аниқлайман. Тинимсиз ҳаракат ва изланиш, шубҳасиз, муваффақият сари элтади. Энг катта ниятим — бу қадамларим мен каби ёшларга ўрнак бўлса, уларнинг қалбиди ҳам изланиш, ҳаракат ва иштиёқ учқунини пайдо қилса. Чунки ишонаман: меҳнат билан бошланган ҳар бир йўл охир-оқибат барака билан яқун топади.



Ўзбекистонда
“BAYRAKTAR”
УЧУВЧИСИЗ УЧИШ
АППАРАТИГА ЭГА
янги бўлинма
ташkil
этилди.



Ўзбекистонда
уй-жойларни
фойдаланишга
топшириш
“ТУРАР ЖОЙ”
ТИЗИМИга
уланади.



Ўтган йили
Ўзбекистонда
9 226 та йўл-транспорт
ҳодисасида
2 188 киши
ҳалок бўлди ва
8 901 киши
жароҳатланди.

6

Mahalla

№4

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА —

ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ҲАР БИР ЗАРБАДА МАҲОРАТ ВА ИРОДАНИНГ КУЧИ МУЖАССАМ

Ижтимоий ҳодим сифатида турфа тақдир эгалари билан мулоқотда бўламан. Уларнинг баъзилари синовларга енгилиб, ўзини имкониятлардан маҳрумдек ҳис қилади. Мен эса шундай кишиларга инсоннинг руҳий кучи унинг жисмоний чекловларидан устунлигини таъкидлашдан чарчамайман. Бу ҳақиқатнинг ёрқин мисоли сифатида I гуруҳ ногиронлиги бўлишига қарамай, маҳалламизнинг қаҳрамонига айланган Гулнора Соаталиеванинг натижаларида ҳам кўриш мумкин.



Бобурхон ДАДАБОВЕВ,
Поп туманидаги
“Юқори Чодакбоши” маҳалласи
ижтимоий ходими.

Гулнора опа билан танишганимда, у нафақат жисмонан, балки руҳан хастадек кўринди. Яшашга бўлган қизиқишини бутунлай йўқотган бўлса-да, кўзларида яшрин учкун бор эди. Уни аланга олдириш эса кўп жихатдан менга боғлиқлигини ич-ичимдан ҳис қилдим.



“Беш ташаббус” паралимпиадаси эълон қилинганини эшитганим ҳамон стол тенниси ракеткаси ва тўплари билан Гулнора опанинг уйига йўл олдим. Хонадаги хонтахта бизнинг биринчи майдончамизга айланди. Бир неча ой давом этган машқлардан кейин, 71-мактабнинг стол тенниси доскасида ҳақиқий машғулотларга киришдик.

Гулнора опа мусобақанинг туман босқичига чиқди. Лекин у касаллик туфайли бармоқларидан айрилгани учун ракеткани ушлашга қийналарди. Шунда мураббий Зухра Мамажоновна ракеткани спортчининг қўлига маҳкам боғлашни таклиф қилди. Бу оддий, аммо қўтилмаган ечим эди. Гулнора опа дарров ташаббусни ўз қўлига олди. Ҳар бир зарбасидан маҳорат ва ирода кучи сезиларди. Мurosасиз кечган учрашув якунида, қўтилган ғалабага эришдик.

Бу натижа кейинги йўтқларга дебоча бўлди. Гулнора Соаталиева Наманган вилояти очик чемпионати ғолибига айланди. Маҳалланинг фахри сифатида тилга олина бошлади. Ногиронлиги бўлган кишиларга умид ва ишонч бағишлади. Энг муҳими, у яна иштиёқ билан яшашни бошлади. Машғулотларга жиддий ёндашиш, ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиш, рақиблари билан тенгма-тенг рақобатлашиш умрининг мазмунига айланди.

Биргина шу инсон тақдири орқали ўзим учун кўплаб хулосалар чиқардим. Аввало, муаммолар асирига айланиб эмас, уларни четлаб ўтишни ўрганиш керак. Бундан ташқари, ижтимоий иш бу — яккама-якка кураш эмас, аксинча, жамоа масъулияти ҳисобланади. Қолаверса, ижтимоий ҳодим сифатида фақатгина одамларга ёрдам бериш билан чегараланиб қолмай, балки муаммоларга инновацион ечим топиш зарур.

Маҳалладаги фаолият давомида эришган ҳар бир ижобий натижама орқали ҳаёт илмини ўрганилман. Инсонлар кўнглига йўл топишдан тортиб, уларнинг муаммоларига ечим топишгача бўлган шарафли йўлдан бораётганимни эса ҳақиқий бахт, деб биламан.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза
РАҲИМХУЖАЕВА
тайёрлади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг муносиб таълим олиши, бирор касб эгаллаши ҳамда жамият ривожига муносиб ҳисса қўишини истайди. Афсуски, агар боланинг ногиронлиги бўлса, бу мақсадларга эришиш бироз қийин кечади. Лекин бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, имконияти чекланган фуқароларга яратилаётган шароитлар сабаб тўсиқларни енгиб ўтиш янада осонлашди.



Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

У маънода Ромитан туманидаги 26-маҳсус мактаб-интернати алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болаларни замонавий шароитларда ўқитиш, уларни жамиятга мослаштириш ва касб-хунарга йўналтириш борасида изчил фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда мазкур муассасада 248 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Уларга ўз ишига садоқатли 60 нафарга яқин педагог таълим-тарбия бериб келяпти.



Ўтган ўқув йилида интернатда 272 нафар ўқувчи таълим олган. Тизимда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида болаларнинг аксарияти инклюзив таълимга, қундузги парварииш бўлинмаларига ҳамда “Ғамхўрлик” гуруҳларига жалб этилди. Бу эса уларнинг оиладан узоқлашмаган ҳолда, ўз муҳитида ривожланишига имкон яратди.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Инклюзив таълим: “Сен истеъдодлисан...”

Зарафшон шаҳридаги “Ёшлик” маҳалласида истиқомат қилувчи Диёрбек Музаффаров беш йил давомида соғлигидаги муаммолар туфайли уй шароитида таълим олиб келаётган эди. Аммо жорий ўқув йилидан бошлаб у 4-умумий ўрта таълим мактабининг инклюзив синфига қўшилди. Бу қарор нафақат унинг ўқиш жараёнини, балки бутун дунёқарабини ўзгартирди.

Тимур БАЙБИКОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Навоий вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Янги мактаб муҳити, ўқитувчиларнинг эътибори, махсус педагогларнинг мунтазам кўмаги, синфдошларнинг дўстона муносабати — буларнинг барчаси Диёрбекнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. У ҳар куни дарсга шошилиб келади, ўзини жамоадан ажралган эмас, балки унинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қила бошлади. Айниқса, мактабдаги вокал тўғраги Диёрбекнинг ички истеъдодини ёрқинроқ намоён этишига имкон берди. Унга қаратилган эътибор ва таълимдаги тўғри методика натижасида Диёрбекнинг овози чарчланди, сахнага чиқишга бўлган ишончи ортди. Машғулотлар давомида санъатга бўлган меҳри ошди, ўзини кўрсатиш жасорати кучайди.



Натижа эса узоқ кутдирмади. Диёрбек ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиладиган “Сен истеъдодлисан” танловида аввал шахар, кейин вилоят босқичида муваффақият қозониб, ният республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Бу ғалаба унинг меҳнати, оила ва устозлари кўмаги, энг асосийси, инклюзив таълимнинг амалий самараси эканининг ёрқин исботи.



Бугун Диёрбекнинг ҳикояси кўплаб оилалар учун илҳом, мактаблар учун эса инклюзив ёндашувнинг реал натижасини кўрсатувчи мисолга айланди. Ногиронлиги бўлган фарзанд ўстираётган ота-оналарнинг улар билан тизимли ва тўғри ёндашув асосида ишлаш орқали ички имкониятларини рўёбга чиқариш мумкинлигига ишончи анча ортди.

ОДАМЛАР ОРАСИДА...

МЕҲР ВА КЎМАК — КЕМТИК КЎНГИЛГА ТИРГАК

Бир муддат юришдан тўхтаб, атрофингизга қаранг. Ўз ташвишларингиз, адоғи кўринмайдиган юмушларингиздан ортиб, охириги марта қачон ён-верингиздаги одамлар билан суҳбат-лашдингиз? Қўни-қўшингиз тинчми? Қариндошлар соғ-саломатми? Ҳеч ким сизнинг кўмагингизга муҳтож эмасми?

Дилшод ШОДИЕВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги
Қашқадарё вилояти бошқармаси
матбуот котиби.

Бу каби саволлар инсонни бироз сергак тортишга ундайди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган давримизда бировдан ҳол-аҳвол сўрайдиганлар ҳам камайиб кетган. Лекин жамиятимизда эҳтиёжманд ҳамда қийналиб кун кечираётган кишилар борлигини рад этолмаймиз. Уларга эса бугун “маҳалла еттилиги” вакиллари имкон қадар тиргак бўлишга ҳаракат қиляпти.



Миришкор туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласида яшовчи Пулат Қурбонов оиласи ҳам шундай ижтимоий хизмат ва ёрдамлар билан қамраб олинган хонадонлардан бири. Фуқаро оғир касалликка чалингани боис даволаниш учун маблағга муҳтож эди. Маҳалла ижтимоий ходими Санжар Ниёзов унинг аризасини қабул қилиб, масалага ижобий ечим топишга киришди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқарога даволаниш ҳамда уй-жойини таъмирлаш учун моддий ёрдам ажратилди.

Бундан ташқари, оиланинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳомийлар ҳам жалб этилди. Ҳозирги кунда хонадонда таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, оила вакилларига иситиш мавсумини қийинчиликларсиз ўтказиши учун бир марталик моддий ёрдам етказилди.



Ўзбекистонда юқори технологияли ва бошқа қатор соҳалар учун ЯНГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ жорий этилди.



Кўп қаватли бинолар учун КЛАСТЕР БОШҚАРУВ ТИЗИМИ жорий этилади. Хуқуқий эксперимент 2026-2030 йилларга мўлжалланган.



2025 йилда Ўзбекистондаги 114 та музейга 6,1 миллион нафар МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ САЙЁҲ таширф буюрди.

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

Mahalla №4

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Адолат ҚҮЛДОШЕВА,
Қашқадарё вилояти:

— Ўғлимни хусусий болалар боғчасига ва қизимни хусусий мактабга берганмиз. Шу йил учун тўлаган тўловларимдан даромад солиғини қайтариб олиш имконияти борми? Қандай ҳужжатлар тайёрлашим керак ва солиқ органига қандай мурожаат қиламан?

БОЛАЛАР ТАЪЛИМИ УЧУН СОЛИҚНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИШ МУМКИН?

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Агар сиз ўғлингизни ёки қизингизни нодавлат болалар боғчаси ёки мактабга жойлаштирган бўлсангиз, Солиқ кодексининг 378-моддасига кўра, ойига ҳар бир фарзанд учун 3 миллион сўмгача бўлган маблағингиз даромад солиғидан озод қилинади. Шу имтиёздан фойдаланиш жуда осон.

Бунинг учун, аввало, иш жойингиздаги бухгалтерияга ариза бериб, тўловни боғча ёки мактаб ҳисобига ўтказинг. Йил якунида эса даромад солиғини қайтариш учун солиқ декларациясини “my.soliq.uz” сайти ёки солиқ мобил иловаси орқали топширинг. Декларацияга икки томонлама шартнома ва тўлов қоғозларини бириктиришни унутманг.

Декларация юборилгандан сўнг, тўланган солиқ суммасини қайтариб олиш учун ариза топширишингиз киёфя қилади. Агар декларацияни қандай тўлдиришни билмасангиз, Солиқ хизмати расмий ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида видео қўлланмалар мавжуд — уларни кузатиб, ҳаммасини осон бажаришингиз мумкин.

Шуни ёдда тутинг: бу имконият сизнинг фарзандларингиз таълими учун ажратган маблағингизни янада самарали қилишга ёрдам беради ва солиқда ҳам тартибни таъминлайди.

Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шаҳноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади:



ТУШУНТИРИШЛАРДАН СЎНГ ТУШУМ ОРТДИ, ТАЯНЧ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўтган йил давомида олдимга қўйган энг асосий мақсадим — ўз иш фаолиятимда ҳамкасбларим орасида пешқадамликни сақлаб қолиш бўлди. Бу йўлда самарадорлик кўрсаткичларим охиригача ой кетма-кет 90 баллдан паст бўлмади. Албатта, бу натижа фақат менинг эмас, балки бириктирилган ҳудуддаги маҳалла аҳолисининг ҳам катта ҳиссаси эвазига эришилди.



ДАРОМАД ҚАЧОН ОШАДИ?

АВВАЛ ИККИЛАНГАНДИК, ҲОЗИР ЭСА ХОТИРЖАММИЗ...

Мен якка тартибдаги тадбиркорман. Олдинлари солиқ масаласи кўпчилигимиз учун бироз мураккаб, ҳатто чўчитадиغان мавзу эди. Лекин бу йилдан бошлаб ишлар анча осонлашди. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида янги тартиблар жорий қилинди ва биз буни амалда сезяпмиз.



РАВШАН МАЪМИРОВ,
Марҳамат тумани
“Мингтепа” маҳалласи.

Энди якка тартибдаги тадбиркорлар учун аввалгидек қатъий белгиланган солиқ тўлаш деган тушунча йўқ. Яъни, ойма-ой бир хил сумма тўлаш бекор бўлди. Ким қанча савдо қилса, шунга қараб солиқ тўлайдиган тизимга ўтгямиз. Йиллик айланмаси катта бўлмаган,

1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлар учун солиқ ставкаси паст — айланмадан атиги 1 фоиз қилиб белгиланди. Бу бизга ишни кенгайтириш, қўшимча одам ишга олиш учун катта енгиллик бўлди. Мен ҳам шу имкониятлардан фойдаланиб, ишчиларимиз сонини кўпайтирдим. Олдин иккиланиб турган эдик, энди эса хотиржам ишляпмиз. Фаолиятимизни кенгайтириб, ёнига болалар учун кичик ўйингоҳ ҳам қўшдик. Бу нафақат бизга, балки келиб-кетиётган аҳолига ҳам қулай бўлди.



Ҳозир яна бир муҳим ишни йўлга қўяпмиз — солиқ билан интеграциялашган электрон тизимларни ўрнатяпмиз. Компьютерлар олиб келинди, e-POST тизими босқичма-босқич ишлай бошлади. Ушбу тизим орқали харид қилинган товарлар махсус белги қўйиш асосида солиқ базасида акс этади. Яъни, ҳамкор ташкилотлардан олинган маҳсулотлар ва биз томондан сотилган товарлар солиқда аниқ кўриниб боради. Бу эса ҳисоб-китобларда шаффофликни таъминлайди ва яширин иқтисодиётнинг олдини олади.

Бу жараёнларда бизга бириктирилган солиқ ходимнинг кўмаги жуда катта бўляпти. Қандай тизим ўрнатиш керак, нимага эътибор бериш лозим — ҳаммасини тушунтириб бермоқда. Қайси жойда хато бўлса, сўраймиз, йўл кўрсатади. Ҳозир солиқ ходими текширувчи эмас, балки маслаҳат берувчи ҳамкорга айланди.

Яна бир қулай томони шундаки, энди тадбиркор бўлиш учун ортиқча югур-югур ҳам шарт эмас. Телефон орқали рўйхатдан ўтиш, SMS билан тасдиқлаш, электрон ҳамён очиш мумкин. Бу электрон ҳамён оддий банк ҳисоб рақами билан тенг. Шу орқали пул қабул қиламиз, ишчиларга ойлик берамиз, солиқни ҳам ўз вақтида тўлаймиз.

Хулоса қилиб айтсам, солиқ масаласида тадбиркорларга ҳам ишонч кучайди. Қонуний ишлаган одамга йўл очиб бериляпти. Оддий тилда айтганда, ким ҳалол меҳнат қилса, давлат ҳам унинг ёнида турибди. Шу нарса бизни янада даядил ишлашга ундаяпти.

СОЛИҚЧИ – КЎМАҚЧИ

Бобур НОРБОЕВ,
Қорақўл туманидаги
“Эски қалъа” ва “Пахтакор”
маҳаллалари
солиқ инспектори.

Бугун одамлар солиқ тўлашга бошқача қарай бошлашди. Солиқ тўловларига онгли муносабат кучайиб, фуқаролар ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга одатланмоқда. Биз, ўз навбатида, ҳудудимиздаги ишбилармонларга янада яқин бўлиб, уларга тушунтириш, маслаҳат ва амалий кўмак беришга ҳаракат қиляпмиз. Натижада тадбиркорлик муҳити жонланиб, янги ташаббуслар кўпаймоқда.



Аниқ рақамлар билан айтиладиган бўлсам, йил бошига нисбатан якка тартибдаги тадбиркорлар сони 79 тага ошди. Айланма солиқ тўловчилари эса 52 тага кўпайди. Энг муҳими, ҳар ой бюджетга 100 миллион сўмдан ортиқ қўшимча тушум шакланмоқда. Бу маблағлар ҳудудни ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Менинг асосий вазифам — бириктирилган ҳудуддаги ишчи-ҳодимларни легаллаштириш, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқароларга фаолиятини қонунийлаштиришда ёрдам бериш ва шу орқали солиқ базасини кенгайтиришдир. Бу ишларни мажбурлаш билан эмас, тушунтириш ва ишонч орқали амалга оширишга ҳаракат қиламан.

Бугун ана шу тўғри маслаҳат ва кўмак натижасида ҳозиргача 70 нафардан ортиқ фуқаро ўз бизнесини якка тартибдаги тадбиркор сифатида расмий рўйхатдан ўтказди. Яна 55 га яқин ишбилармон эса фаолиятини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишга муваффақ бўлди.

Тажрибадан келиб чиқиб айтманки, маҳалладаги солиқ инспектори аҳоли билан хушмуомала бўлса, тадбиркорларни қўллаб-қувватласа, бу нафақат иқтисодий натижа беради, балки маҳаллада ҳурмат ва эътибор ҳам келтиради. Мен ҳам айнан шу тамойил асосида ишлашга интиляман.

Президентимиз ташаббусига кўра, солиқ тизимининг маҳалла даражасига туширилгани жойларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг қувонарлики, бугун солиқ тўловчилар тўлаётган солиқлари қаерга сарфланаётганини кўриб, бунинг гувоҳи бўляпти. Бу эса ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ”

Солиқ кам, қонда оддий, талаблар тушунарли Энг асосийси, қонуний ишлаш фойдалироқ ва осонроқ бўлади

2026 йил 1 январдан бошлаб, якка тартибда ишлайдиган тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун солиқ тизими бутунлай янгиланди. Бу ўзгаришлар “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори билан тасдиқланган.

Озода ЧОРИЕВА.



Янги тизимнинг энг асосий афзаллиги — ҳамма учун ягона 1 фоизлик солиқ жорий этилишидир. 2026 йилдан бошлаб, агар тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахсининг йиллик тушуми 1 миллиард сўмдан ошмаса, у даромадининг атиги 1 фоизини солиқ сифатида тўлайди. Масалан, йил давомида 100 миллион сўм ишлаб топса, атиги 1 миллион сўм солиқ тўлайди. Агар даромад бўлмаса, солиқ ҳам бўлмайди. Даромад қўпайган сари солиқ ҳам секин ва адолатли тарзда ошади. Бу аввалгидек қатъий белгиланган солиқдан анча қулай.

ап фақат солиқ фоизларини ўзгартиришда эмас, балки давлат ва кичик бизнес ўртасидаги муносабатларни янгилашга қўйишда бормоқда. Асосий мақсад — одамларни қонуний ишлашга ундаш, солиқларни тушунарли қилиш ва кичик бизнес учун барқарор шароит яратишдир.

Олдинги йилларда солиқ тизими кўпчилик учун тушунарсиз ва мураккаб эди. Кимдир ҳар ой белгиланган суммани солиқ сифатида тўларди, кимдир даромадидан 4 фоиз солиқ берарди, ўзини ўзи банд қилганларнинг айримлари эса умуман солиқ тўламас эди. Бир хил иш қилаётган одамлар турли хил солиқ тўлагани учун адолатсизлик пайдо бўлган. Энг ёмони, кўпчилик солиқдан қочиш учун даромадини яширди.



Йиллик 1 миллиард сўмлик чегара ҳам жуда муҳим. Бу лимит кичик бизнес учун белгиланган. Агар тадбиркорнинг тушуми 1 миллиард сўмдан ошиб кетса, у тўғридан-тўғри катта бизнеслар учун мўлжалланган умумий солиқ тизимига ўтади. Шу сабабли тадбиркорлар ўз даромадини ҳисоблаб боришга ўрганади. Энг муҳими, солиқ фоизи жуда паст бўлгани учун даромадни яширишга эҳтиёж қолмайди.

Янги солиқ тартиби камида 2030 йил охиригача амал қилади. Бу эса тадбиркорларга ишонч беради. Яъни “эртага солиқ яна ўзгариб кетмайдими?” деган хавотир бўлмайди. Одамлар бемалол режа тузиб, ишини кенгайтириши, сармоя киритиши мумкин бўлади.

Бу тизим жорий этилиши билан эски солиқларнинг кўпи бекор қили-

нади. Масалан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун олдин бўлган қатъий ойлик солиқ энди бўлмайди. Ким қанча ишласа, шунга яраша солиқ тўлайди. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 100 миллион сўмгача даромадга солиқ солинамас эди, бу имтиёз ҳам бекор қилинади. Энди барча ўзини ўзи банд қилганлар бир хил қоидага амал қилади — агар тушуми 1 миллиард сўмдан ошмаса, 1 фоиз солиқ тўлайди. Бу ҳаммага тенг ва тушунарли қоида бўлади.

Янги солиқ тизими рақамлаштириш билан ҳам боғлиқ. Энди QR-код орқали тўлов қилиш, электрон ҳамёнлар ва банк орқали ҳисоб-китоблар кенгрок жорий этилади. Бу нақд пул билан яширин ишлашни қийинлаштиради. Солиқ паст бўлгани учун одамлар очик ишлашдан қўрқмайди, рақамли назорат эса тартибни сақлашга ёрдам беради. Давлат бир томондан енгиллик беради, иккинчи томондан тартибни кучайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, 2026 йилдан кунга кирадиган янги солиқ тизими кичик бизнес ва ўзини ўзи банд қилганлар учун анча қулай бўлади. Солиқ кам, қонда оддий, талаблар тушунарли. Энг асосийси, қонуний ишлаш фойдалироқ ва осонроқ бўлади. Бу эса кўпроқ одамларнинг очик ишлашига, даромадини яширмаслигига ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига хизмат қилади.



Теннис бўйича “AUSTRALIAN OPEN-2026” турнирида Камилла Раҳимова ва Полина Кудерметова мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.



Аёллар ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси чорак финалида “НАСАФ” ЖАМОАСИ Австралиянинг “Мельбурн Сити” жамоаси билан тўқнаш келади.



Жорий йилнинг март ва апрель ойларида мамлакатимиз футбол бўйича “FIFA SERIES-2026” халқаро турнирига мезбонлик қилади.

8

Mahalla

№4

2026 йил
17 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

НИЗО БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК, АЙНИҚСА, ОИЛАЛАРДА...

Маҳалламизда яшовчи қирқ етти ёшли фуқаро ишсизлик сабаб ичкиликка ружу қўя бошлади. Ҳар кун ишсизлик маст ҳолда келиб, жанжал чиқарадиган бўлди. Албатта, бу ҳолатдан турмуш ўртоғи, фарзандлари ҳам азият чекди.



Аброр МАҚСУДОВ, Қорақўл туманидаги “Дарғали” маҳалласи профилактика катта инспектори, майор.

Охири маҳалла раиси билан маслаҳатлашиб, уни вилоят наркологиya диспансерида мажбурий даволатдик. Оиласига, тўрт нафар фарзандига зарур амалий ёрдам кўрсатилди. Электр энергия билан мунтазам таъминлаш учун хонадонига қуёш панели ўрнатиб берилди. Ҳозир икки қизи олий таълим муассасаларида ўқишяпти, ўзи эса фермер ҳўжалигида ишлаяпти.

Ўтган йили ана шундай спиртли ичимликка ружу қўйган икки нафар фуқаро соғлом жамиятга қайтарилди. Тўққизта оилавий можаро Оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссиясида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Оилавий ажралишларнинг олдини олишда ҳам-жихату ҳаммаслаҳат ишалаётган “маҳалла еттилик”нинг ўрни катта бўляпти.

Маҳалламизда мингдан зиёд оила бўлса, шуларнинг ярами ёш оилалардир. Ўшбу оилаларда ҳамжихатликка эришиш нафақат энди турмуш қўрган келин-куёвлар, балки хонадонда яшайётган бошқа инсонларнинг муносабатига ҳам боғлиқ. Шу боис профилактик ишларни олиб боришда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Асосий вазифаларимиздан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши мurosасиз курашяпмиз. Жорий йил бошида уйма-уй юриш тизими асосида нотинч оилалар, спиртли ичимликка ружу қўйган, муқаддам судланган 27 нафар фуқарони алоҳида тоифаларга ажратиб, улар билан манзилли иш ташкил этиляпти. Нафақат маъмурий назоратда турган, оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган, спиртли ичимликка ружу қўйган, профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаган фуқаролар билан тушунтириш ишларини олиб боряпмиз, балки маҳалла ахлининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида қонун устуворлигини таъминлаш, киберхавфсизликка қарши курашиш чораларини қўряпмиз.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Билакда куч бўлгани билан бошнинг ишламагани бекор

Жиноий тўдалар фаолиятига чек қўйишга куч-қудратимиз етади – давлат бор, Конституция бор, қонунлар бор!

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга алоҳида тўхталиб, сўнгги пайтларда ўзини қонундан устун қўйган, тадбиркорларга босим қилиб, уларнинг бизнесини эгаллаб олишга ҳаракат қилаётган, иқтисодиётимизга жиддий путур етказадиган мураккаб молиявий жиноятларни содир этаётган, ўзини “қози” деб ҳисоблаб, одамлар ўртасидаги олди-берди масалаларини ҳал қилиб юрган айрим жиноий тўдалар кузатилаётганини қайд этди.

Мақсадбек ҚўЧҚОРОВ.

Энг ачинарлиси, “осон пул топаман”, деган илинжда билакда кучи бор айрим спортчилар ҳам бундай жиноий тўдаларга қўшилиб қолмоқда. Спорт – инсонни тарбиялайди, иродани мустаҳкамлайди, бироқ бу – спортчи билакдаги кучини зўравонликка сарфлаш, дегани эмас. Бунга ўз вақтида англаб етмаган Жасур Қўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) спорт билан шуғулланиб, жамоат тартибини бузиб, зўравонлик ва қонунга зид ҳаракатларга қўл урди.

– Узоқ йиллар дзюдо билан шуғулланиб, республика чемпиони ҳам бўлдим, – дейди Жасур. – Соғлом бўлиб, билагим кучга тўлғач, ўзимга бўлган ишонч ортди. Бироқ билакда куч бўлгани билан бош ишламаса бекор экан. Ҳамма нарсани куч билан ҳал этиш мумкин, деган беймани ҳаёллар билан “кўча” ишларига аралашиб қолдим. Мўмай пул топиш илинжиди одамлар ўртасидаги олди-берди ва бошқа масалаларда ўзимизни “қози” ҳисоблаб, охири қамоққа тушдик. Шуни англаб етдимки, ҳар қандай спортчи билакдаги кучини нотўғри жойга ишлатмасдан, фақат спорт аренасида кўрсатиб, юртимиз байроғини юқори кўтаришга хизмат қилиши керак. Ёш спортчилар унутмаслиги керакки, ҳар қандай нотўғри ҳаракатнинг охири жазога олиб келади.

Дарҳақиқат, қонун олдида ҳеч ким устун эмас. Ҳар бир содир этилган жиноят ўзининг ҳуқуқий баҳосини олади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, жиноят содир этган шахсларга нисбатан қамоқ жазоси қўлла-



Эркинлик бебаҳо неъмат, уни йўқотиш эса юқоридаги қаҳрамонларимиз сингари бир лаҳзалик хато оқибати бўлиши мумкин. Қонунни менсимаслик эса эркинликдан маҳрум қилади. Шундай экан, қонун ҳамма учун баробар, жиноятга эса жавобгарлик муқаррарлигини унутманг! Спорт эса бу интизом, ҳурмат ва масъулиятни талаб қилади. Шу боис интизом ва масъулиятни ёддан чиқарманг!

нилади. Элёр ҳам охири уни йўламадан берган бир зарбаси туфайли энди бир умр пушаймон. Ҳозирда у қилмиши туфайли жазони ижро этиш муассасасида ўз жазосини ўтаяпти.

– Ўн тўққиз ёшимгача бокс билан шуғулландим, – дейди Элёр. – Айни кўчага тўлиб, ота-онамга суянч бўладиган йигирма ёшимда “ишқал”га қўшилиб, мана шу панжара ортига тушдим. Қилган ишимдан афсусдман, лекин энди кеч. Ака-ука-

ларимга маслаҳатим, спорт билан шуғулланиб, бироз кўчага тўлганингизда, босар-тусарингизни билмай қолманг! Билакдаги кучини эмас, ақлингизни ишлатинг. Қўрдошларимиздан эса қаердаги кўча “разборчик”ларига эмас, қонунга суянишларини илтимос қилар эдим. Бу йўлни мен кўрдим, пул топаман деб, ўзимизча “қозилик” қилдик. Шуни билдимки, давлат билан ҳазиллашиб бўлмас экан. Бундан буён

оилам бағрида бўламан.

Афсуски, Ўзбекистон фуқароларидан иборат бундай жиноий гуруҳлар айрим чет давлатларда ҳам мавжудлиги юртимизнинг халқаро обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда. Президентимиз айтганидек, бундай жиноий тўдалар фаолиятига чек қўйишга куч-қудратимиз етади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ишончли ҳимоя қиладиган давлат бор, Конституция бор, қонунлар бор!

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мулк ҳуқуқи қандай эътироф этилади?




Азамат БЕРДИЕВ.
Андижон вилояти:

– Якка тартибда уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи қандай шартлар асосида эътироф этилиши мумкин?

Ахрориддин МАСАРДИНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Избоскан туманлараро судининг раиси:

– Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунига кўра, фуқаролар томонидан 2018 йил 1 май (2018 йилдаги “бир марталик акция”)га қадар якка тартибдаги уй-жой қуриш орқали ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқини ҳамда ундаги бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш учун қуйидаги шартларнинг барчасига риоя этилганлиги асос бўлади.

Яъни, мазкур ер участкаси бошқа шахсларга ажратилмаган ёки электрон онлайн аукционга қўйилмаган бўлиши керак. Шунингдек, ер участкасидан фойдаланиш юзасидан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида низо мавжуд эмаслиги, ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаслиги керак. Шу билан бирга, бош режа талабларига зид эмаслиги, ҳар бир категорияга хос бошқа шартлар белгиланган.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 800 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: F120

